

ТАБИЙ ГЕОГРАФИК ФАНЛАР ТИЗИМИДАГИ ҲАВЗАВИЙ МЕТОДИ ВА УНИНГ РИВОЖЛАНИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

Иброимов Шерзод Иброим ўғли

мустақил тадқиқотчи

Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институти

e-mail: s-ibroimov@mail.ru

Аннотация: Мақолада табиий географик фанлар тизимида ҳавзавий усулнинг қўлланилиши ва унинг ижобий томонлари кўрсатилган. Ҳавзавий усулнинг методологик асослари табиий географиядаги функционал ёндашувнинг назариясига мос келиши асослаб берилган. Ҳозирги вақтда табиий ресурслардан оқилона фойдаланишда табиий асос сифатида дарё ҳавзасининг фойдаланиши ёритилди. Шу билан бир қаторда, дельтадаги суғориладиган ҳудудларнинг табиий ресурсларидан оқилона фойдаланишда коллектор ҳавзасининг асос қилиб олинishi амалий асослаб берилди.

Калит сўзлар: ҳавза, геотизим, рельеф структураси, коллектор ҳавзаси, табиий ресурслар, оқилона фойдаланиш, прогноз.

BASIC METHOD IN THE SYSTEM OF NATURAL GEOGRAPHICAL SCIENCES AND ITS PROSPECTS FOR DEVELOPMENT

Ibroimov Sherzod

Annotation: The article shows the application of the basin method in the system of natural geographical sciences and its advantages. The methodological basis of the basin method was argued to be consistent with the theory of a functional approach in natural geography. At present, the use of the river basin as a natural basis for the rational use of natural resources is highlighted. At the same time, the practical basis for the rational use of natural resources of irrigated areas in the delta was based on the collector basin.

Key words: basin, geosystem, relief structure, reservoir basin, natural resources, rational use, forecast.

Табиий география фанида геотизимларни назарий томондан ўрганиш доимо долзарб муаммолардан бири бўлиб келган. А.Ю. Ретеюм (1975) табиий географиядаги типологик, генетик ва функционал ёндашувларнинг борлигини инкор қилган ҳолда, геотизимларни табиатда ажратишда функционал ёндашувни қўллайди. Олимнинг фикри бўйича, “Геотизимнинг чегараси амалда оқимларнинг чегараси ва моддаларнинг олиб чиқиши областининг чегараси билан мос келади”. Ана шунинг учун ҳам А.Ю. Ретеюм геотизимларни ажратишда ҳавзаларни асос қилиб олишни амалда исботлади ва тизим ҳосил қилувчи омилларни

геотизимнинг геокимёвий ҳолатини белгилаб беришда биринчи аҳамиятга эга, деган хулосага келади. Шунини ҳисобга олиб, А.Ю. Ретеев функционал ёндашувни ҳавзавий методи деб ҳам атайд.

Табиий географиядаги ёки ландшафтлар геокимёси фанидаги ҳавзавий методни Б.Б. Полинов XX асрнинг 30-йилларида ўзининг геокимёвий тадқиқотларида ҳар томонлама кенг қўллади. Ландшафтлар геокимёси фанидаги ҳавзавий усулдан фойдаланган ҳолда ўзининг ўзаро боғлиқ таҳлилини ишлаб чиқди. Олимнинг (1956) ёзишича, ҳар бир ҳавзадаги кимёвий элементларнинг миграциясини тўлиқ ўрганиш учун шу объектдаги табиат компонентларининг ўзаро алоқадорлигини ва элементар ландшафт гуруҳларининг боғлиқлигини тадқиқ қилиш лозим. Бошқача айтганда, объектдаги геокимёвий ландшафтлардаги кимёвий элементларнинг миграциясини ҳавза асосида ҳар томонлама ўргангандан сўнгги ландшафтларнинг динамикаси ҳақидаги билимга тўлиқ эга бўламиз. Б.Б. Полинов шундай деб ёзади: “Ҳар бир дарё ҳавзаси иккинчи дарё ҳавзасидан авваламбор ландшафтларнинг геокимёвий таркиби бўйича фарқ қилади ва бу фарқни тадқиқ қилишда ўзаро боғлиқ таҳлили алоҳида ўринни эгаллайди”.

Л.М.Корытный (1974) табиатшунос олимларнинг ичида биринчилардан бўлиб дарё ҳавзасини геотизим сифатида тадқиқ қилади. Л.М.Корытный дарё ҳавзасини геотизим деб тадқиқот қилишда авваламбор эътиборни ана шу ҳавза геотизимидаги сув режимини белгилаб берувчи орографик ва иқлим омилларига қаратади. Олимнинг ёзишича, ҳар бир дарё ҳавзаси табиатда объектив мавжуд бўлган борлиқ бўлиб, уни ҳар томонлама ўрганиш учун гидрологик тадқиқотларни ландшафт таълимоти асосида олиб бормоқ керакдир. Олим В.Г. Глушков (1933) асос солган гидрологиядаги географик йўналишни ривожлантириб, ландшафт гидрологиясига асос солган. Л.М. Корытный (2017) сўнгги йилларда табиатдан фойдаланишда ҳавзавий усулни қўллаган ҳолда дарё ҳавзасини табиий асос деб қарайди. Бошқача айтганда, дарё ҳавзасида жойлашган ҳар бир табиий-хўжалик тизимининг ривожланиши авваламбор дарё ҳавзасидаги табиат компонентларининг ва табиий ресурсларнинг тизимли ўзгариши билан боғлиқдир. Шу билан бир қаторда Л.М.Корытный табиатдан ҳавзавий фойдаланишда дарё ҳавзасини табиий-хўжалик тизими деб қарашга ва уни ҳавзавий карталаштиришга ҳам алоҳида эътибор беришни таъкидлаб ўтади.

О.А. Борсук (1975) дарё ҳавзаларини тадқиқ қилишда тизимли ёндашувни қўллаб, уларни бир нечта элементар ҳавзаларга ажратади.

Ҳавзанинг юқори қисмидаги сой ва ирмоқларнинг ҳавзаларини элементар ҳавза деб таъкидлайди ва улар биринчи тартибли ҳавза деган хулосага келади. Элементар ҳавзаларнинг йиғиндиси эса муаллифнинг фикрича мураккаб тузилишга эга бўлган дарё тизимини ҳосил қилади. Бошқача айтганда, дарё тизимини ташкил этувчи элементар ҳавзалар оддий тузилишга эга бўлиб, уларнинг инсон томонидан бошқарилиши кўп маблағни талаб қилмайди.

Ф.Н. Мильков (1966) табиий географиядаги функционал ёндашувга асосланиб, фанга парагенетика ландшафт комплекси деган тушунчани киритди. Олим ўзининг тадқиқотларида оддий парагенетик ландшафт комплексига жарни киритган бўлса, мураккаб парагенетик ландшафт комплексига дарё ҳавзаларини киритади. Ф.Н. Мильков шундай деб ёзади: “Дарё ҳавзалари мураккаб парагенетик ландшафт комплексини ҳосил қилгани ҳолда бу ҳавзада барча табиат компонентлари ва ландшафт бирликлари тартиб билан қонуни ўзгаради”.

Ҳавза методи табиий географик фанлари тизимидаги бошқа соҳаларга нисбатан гидрокимёда кўп қўлланилади. И.Н. Степанов, Э.И. Чембарисов (1978) фикрича, дарё ҳавзаларининг юқори қисмидан қуйи қисми томон сувлар минераллашув даражасининг ортиб бориши билан бир қаторда унинг таркибидаги зарарли тузларнинг миқдори ҳам ортиб боради. Бошқача айтганда, сувларнинг гидрокимёсини ўрганишда ҳавзавий усул фақат уларнинг ҳозирги ҳолатини эмас, балки келажакдаги прогнозини ҳам ҳар томонлама асослаб беради.

Табиат компонентларининг, шу жумладан тупроқлар мелиоратив ҳолатининг келажакдаги прогнозини ишлаб чиқишда ҳавзавий усулнинг роли янада ортади. И.Н. Степанов (1979) Амударё ҳозирги дельтасидаги суғориб келинаётган кегейли массиви билан янгидан суғориладиган Чимбой массивини таққослайди. Олимнинг фикрича, келажакда Чимбой массивида бўладиган тупроқ-мелиоратив жараёнларни прогноз қилиш шунинг кўрсатадики, Кегейли массивида рўй берган тупроқ-мелиоратив жараёнлар Чимбой массивида ҳам кузатилади. И.Н. Степановнинг 1979 йил Чимбой массиви бўйича прогноз ишлари мана шу ўтган йиллар давомида ўзининг ижобий натижасини топди. Айтиб ўтган иккала массив ҳам коллектор ташлама бир ҳавзасида жойлашган бўлиб, Кегейли массиви Чимбой массивига нисбатан коллектор ҳавзасининг юқори қисмида жойлашган, яъни ҳавзанинг юқори қисмида рўй берган тупроқ-мелиоратив жараёнлар ҳавзанинг қуйи қисмида ҳам кузатилади. Бошқача айтганда,

ҳавзада руй берадиган ижобий ёки салбий жараёнлар аввал юқори қисмда, сўнг эса қуйи қисмда руй бериши табиий.

Н.Н. Ходжибаев (1975) гидрогеолог олимлардан биринчи бўлиб грунт сувларнинг табиий оқимини ўрганиш орқали уларнинг ҳавза ҳосил қилишини назарий асослаб берди. Олимнинг фикрича, келиб чиқиши ҳар хил бўлган ҳудудлар ўзларининг грунт сувлари ҳавзаларини ҳосил қилади. Бошқача айтганда, грунт сувларининг табиий оқимини ҳосил бўлишида ва ҳаракатланишида рельеф структураси асосий роль ўйнайди. Н.Н. Ходжибаевнинг Ўзбекистон грунт сувлари табиий оқимининг ҳавзаларини тадқиқ қилган назарий асослари ҳозирги даврга қадар мелиоратив гидрогеологияда кенг қўлланиб келинмоқда.

Олимларнинг олиб борган тадқиқотлари шуни кўрсатадики, ҳавзавий усул айниқса дала тадқиқотларида ўзининг ижобий натижаларини беради. А.К. Уразбаев XX аср 80-йилларнинг бошларида дала тадқиқотларидан аввал масштаб 1:25 000 бўлган йирик топографик карталарда ҳавзавий карталаштириш усули бўлган рельеф пластикасини қўллаган ҳолда коллектор ҳавзаларини илк бор ажратди. Олимнинг сўнгги тадқиқотлари эса ана шу ажратилган коллектор ҳавзалари асосида бўлиб, ҳар бир коллектор ҳавзаси ўзига хос табиий-мелиоратив шароитга эга бўлади деган хулосага келди (2002). Суғориладиган ҳудудларда коллектор ҳавзаларини ажратиш авваламбор амалий жиҳатдан катта аҳамиятга эга. А.К. Уразбаевнинг узоқ йиллар давомида Амударё ҳозирги дельтасининг суғориладиган ҳудудларида олиб борган тадқиқотлари шуни кўрсатадики, табиат компонентларининг ва ландшафт хилларининг ўзаро алоқадорлигини тадқиқ қилишда дарё ҳавзалари қандай роль ўйнаса, коллектор ҳавзалари ҳам шундай роль ўйнайди. Бошқача айтганда, олимнинг суғориладиган ҳудудларда олиб борган тадқиқотларидан шундай хулосага келиш мумкинки, коллектор ҳавзалари гарчи инсон томонидан бунёд этилган бўлса ҳам, аммо ҳавзада руй берадиган барча табиий-географик жараёнлар табиат қонуниятларига бўйсинади.

Табиий географик фанлар тизимида кенг қўлланиб келинаётган ҳавзавий усули шу давр ичида жуда катта мувоффақиятларга эришди. Ҳозирги даврда мамлакатимиздаги асосий амалий муаммолардан бири бу табиатдан оқилонга фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилишдир. Л.М. Корытный (1974) табиатшунос олимлардан биринчи бўлиб, дарё ҳавзасини геотизим деб тадқиқ қилди ва жуда катта муваффақиятга эришди. Олимнинг сўнгги йиллардаги тадқиқоти (2017) шуни кўрсатмоқдаки, табиат компонентларидан оқилонга фойдаланишда табиий асос бўлган дарё

ҳавзасини асос қилиб олинишини ҳам илмий, ҳам амалий асослаб берди. Бошқача сўз билан айтганда, дарё ҳавзасида руй берадиган барча табиий-географик жараёнлар табиий асос бўлган ҳавза чегарасида қонунли руй беради ва динамикасидаги геотизимни ҳосил қилади. Ана шунинг учун ҳам Л.М. Коротный (2001) табиат ресурсларидан оқилона фойдаланишда ҳавзавий концепциясини ишлаб чиқди. Ҳозирги даврда Россиянинг кўплаб илмий-текшириш институтларида олимнинг бу концепциясини ҳар томонлама қўллаб қувватланмоқда ва ижобий натижаларга эришилмоқда. Биз ҳам олимнинг бу концепциясини қўллаб қувватлаган ҳолда, суғориладиган ҳудудларнинг табиий ресурсларидан оқилона фойдаланишда коллектор ҳавзасини асос қилиб олишни лозим деб топдик. Коллектор ҳавзаларида табиий-географик жараёнлар коллекторнинг ички структураси билан боғланган бўлиб, ҳавзанинг юқори қисмидан қуйи қисми томон қонунли ўзгаради. Шундай қилиб, табиат компонентларининг ҳавза эгаллаган майдонда қонунли ўзгариши ўз навбатида табиий ресурслардан оқилона фойдаланишдаги ҳавзавий концепциянинг асосини ташкил этади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Борсук О.А. Системный подход к анализу речных сетей // Вопр-геогр., М.: Мысл, 1975.-сб.98-с.107-113
2. Глушков В.Г. Географо-гидрологический метод // Изв. Гост. Гидрол. Ин-та.- 1933.-№57-58.-С.5-9
3. Коротный Л.М. Речной бассейн как геосистема // Докл. Ин-та геогр. Сибир и Дальнего Востока.-1974-Вып.42 стр.33-38
4. Коротный Л.М. Бассейновая концепция в априродопользовании.- Иркутск: Изд-во Ин-та географии СО РАН, 2001-164 стр.
5. Коротный Л.М. Бассейновая концепция: от гидрологии к природопользованию // География и природные ресурсы.-2017. №2
6. Мильков Ф.Н. Парагенитические ландшафтные комплексы // Научные записки Воронежского отдела ГО СССР.- Воронеж: Изд-во Воронежского университета, 1966.- Стр. 3-7
7. Полынов Б.Б. Учение о ландшафтах. Избранные труда.-М.: Изд-во АН СССР, 1956.-751 стр.
8. Ретеюм А.Ю. Физико-географическое районирование и выделение геосистем // Вопр. Геогр.- М.: Мысл, 1975.-Сб.98.-стр.5-27
9. Степанов И.Н. Почвенные прогнозы.- М.: Наука, 1979.-84стр.
10. Уразбаев А.К. Системная организация природного-мелиоративных условий современной дельты: Автореферат диссерт. На соиск. уч. степени док. геогр. наук.-Ташкент. 2002-48 стр.
11. Ходжибаев Н.Н. Естественные потоки грунтовых вод Узбекистана. Ташкент: Фан УЗССР, 1970.- 174 стр.

	МАНЗИЛГОХЛАРНИ ЎРГАНИШДА ГЕОАХБОРОТ ТИЗИМЛАРИНИ ҚЎЛЛАШ.....	576
7.	Щукина О.Г., Крюков Д.И. РЕВОЛЮЦИОННАЯ ТЕХНОЛОГИЯ CMOS ДАТЧИКА В СОВРЕМЕННОЙ АЭРОФОТОТОПОГРАФИЧЕСКОЙ КАМЕРЕ ДМС III.....	580
8.	Щукина О.Г. ИСПОЛЬЗОВАНИЕ 3DКАМЕРЫ КИТАЙСКОЙ КОМПАНИИ ММС С ЦЕЛЬЮ СОЗДАНИЯ 3D КАРТЫ НА ФРАГМЕНТ УРТА-ЧИРЧИКСКОГО РАЙОНА УЗБЕКИСТАНА.....	584
9.	Турдалиев Ж.А., Рахмонов Д.Н. ГИДРОГРАФИК ОБЪЕКТЛАРИНИНГ ХАРИТАДА ТАСВИРЛАНИШИ ВА ГЕНЕРАЛИЗАЦИЯСИ.....	589
10.	Якубов Ғ.З. ЕРНИ МАСОФАДАН ЗОНДЛАШНИНГ ЗАМОНАВИЙ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ ЎИРИК МАСШТАБЛИ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК КАРТАЛАРИНИ ТУЗИШ ИМКОНИАТЛАРИ.....	593
11.	Арабов О.З. ЕРНИНГ ГЛОБАЛ ГЕОПОТЕНЦИАЛ МОДЕЛЛАРИНИНГ ҚИЁСИЙ ТАҲЛИЛИ.....	598

6-SEKSIYA GEOGRAFIYA O'QITISH METODIKASI

1.	Rakhimova D.K. LINGUISTIC GEOGRAPHY IS AS ONE OF THE MODERN DIRECTIONS OF LINGUISTICS.....	601
2.	Махмудова М.Ж., Қўлдашева М.Н. ЖАҲОН ИҚТИСОДИЙ ВА ИЖТИМОИЙ ГЕОГРАФИЯСИНИ ЎҚИТИШДА КОМПЕТЕНЦИЯВИЙ ЁНДАШУВГА АСОСЛАНГАН ДАРСЛАРНИ ТАШКИЛ ЭТИШНИНГ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРИ.....	607
3.	Султанова Н., Дўстназаров Д. ИЧКИ ТУРИЗМНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА ГЕОГРАФИЯНИНГ ЎРНИ.....	613
4.	Абдурахмонов Б.М., Исмоилов Б.О. ГЕОГРАФИК МАДАНИЯТ: МОҲИАТИ, ТУЗИЛМАВИЙ- ТАРКИБИЙ ҚИСМЛАРИ.....	618
5.	Иброилов Ш.И. ТАБИИЙ ГЕОГРАФИК ФАҲЛАР ТИЗИМИДАГИ ҲАВЗАВИЙ МЕТОДИ ВА УНИНГ РИВОЖЛАНИШ	